



БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛАМШУМУЛ ЗАФАРЛАРИНИНГ ОРТИДА бир кишининг, ҳа, бир кишининг – Ўзбекистон Президенти ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВНИНГ ФИДОКОРЛИГИ турибди

Муқаддима

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради.

Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки галабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилади. Худого минг

шукрки, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илгор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шийдати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бонхабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошла-

дик. Бараварига «Виз олдинга кетибмиз», деган ҳуло-сага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрсанимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар ҳам бу гапимни бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганимиз! Юракларни фахр билан тўлдирсан бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку!

Унинг ортида кимнинг меҳнати-ю заҳмати, бешининг ҳаракати ётибди?

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким айрат-шижоат бағишляпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламушумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан, деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...

1

Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди?

Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исмасди. Бир фарзандим кейинчалик «Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик», деб эслади.

Нафақага чиқдим. «Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади», дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтимай. Дўконга борасан. Керакни молнинг нарҳини сўрайсан. «Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз...».

Деновда — бозорнинг нақўртасида «пластик картадаги пулни нақдга алмаштириш пункти» очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм кўлингга беришади. Энг дахшати, бу «пункт»ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгига рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмасди. Кўркув. Бу кўркувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш — мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни

сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган — аллақандай шанғи хотинлар...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда «долларчи»лар шайкаси... Нарх расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу ҳўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат тузилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қиймишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Ҳўрладилар, мўнладилар қўлига тушган бир бегуноҳ. — Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурадилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам таъйин қўқазилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан беизб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: «Ана сиз орзу қилган истиқлол...».

Рости, мен ҳам бебаҳт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда «Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплайпти. Пайти келгач, пулини кўтариб, хорижга жўнаб кетади», деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб бургани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлига асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машғум воқеаларнинг бир қисминигина эслайман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ биди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлай бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги хайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қаршатган мустақилликнинг зарарқунандалари шайкасини тутатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентаги мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган хомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жинойтчилар тўдасининг қўлами жуда катта — бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати, деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини хасдан ҳам арзон билган бедоволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда улар билан муросаи мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватанни бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа

ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади. Қотиллик иллати юккан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал «тепа»даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилган, Президентимиз Сурхонга таширф буюриб, «Сурхондарё халқи, энди озодсан!» деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим — Сурхондарё ҳақида ёзипман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-ҳудудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни хал этишдаги мардонавор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўни-ким боряпмиз-да!...

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат — қаришларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг پاسпорти синчиклаб текширилган, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасангиз, ўтиб кўринг-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатини бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча машмаша эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли — имконини топиб, «посбон»ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган туюқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятта киришда — Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўгингиз тинтилар, юқларингиз эса лентга солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечириларди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текширилди... Тингтув. Ҳуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўпсиз. Термизга ва Сарисийёга кираверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Касаба уюшмаси аралашгач



МАОШ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНАДИ

Фарғона вилоятининг Қува туманида меҳнат ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолат аниқланиб, суд орқали адолат тикланди.

Маълум бўлишича, туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасининг Маслаҳат-диагностика бўлимида фаолият юритган ходимлар Шарофатбону Исокова ва Гулсанам Каримовага иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаган. Улар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига мурожаат қилишган. Ўрганишлар натижасида шикоятчилар ҳақлиги аниқланди. Шу боис касаба уюшмаси томонидан муаммони ҳал этиш мақсадида иш берувчи билан музокаралар олиб борилди. Бироқ бу ҳаракатлар зое кетди. Шундан сўнг масала суд тартибда кўриб чиқилди.

Суд қарорига мувофиқ, иш берувчи зиммасига ходимларга тўланмаган иш ҳақларини тўлиқ ва мажбурий тартибда қоплаб бериш юклатилди.

– Иш ҳақи ўз вақтида тўланмаслиги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, интизом ва иш самарадорлигининг пасайишига ҳам олиб келади, – дейди меҳнат ҳуқуқ инспектори Зафаржон Қурбонов. – Шу боис амалдаги тегишли қонунлар талабларига қатъий риоя этиш ҳар бир иш берувчининг асосий мажбуриятидир.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

ПОЙТАХТИМИЗДА «CAMP EDUCATION INTERNATIONAL» (CEI GLOBAL) ТАШКИЛОТИ ИШТИРОКИДА ИККИ КУНЛИК ХАЛҚАРО ЎҚУВ-СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ «CAMP EDUCATION» – ОРОМҒОҲ АСОСИДАГИ ТИЗИМЛИ ТАЪЛИМ МОДЕЛИ КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.



Семинар

«ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИ ҲАЙРАТЛАНТИРДИ»

Яқин кунларда ўғил-қизларни соғломлаштириш оромгоҳлари ўз фаолиятини бошлайди. Шу муносабат билан Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти томонидан тизимли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Семинар доирасида, аynиқса, болалар учун хавфсиз ва қулай муҳит яратиш, тарбиявий дастурларни замон талаблари асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

– Бу тадбир халқаро тажриба алмашиш учун муҳим майдон вазифасини ўтайди, – деди департаментнинг матбуот котиби Гулбаҳор Абдукаримова. – CEI билан ҳамкорлик болалар оромгоҳларини нафақат дам олиш маскани, балки баркамол авлодни шакллантирадиган самарали, фойдали

таълим муҳитига айлантириш имконини беради.

Семинарда делегация томонидан жамоани бошқариш, болалар психологияси, шунингдек, 12 кунлик оромгоҳ дастурларини самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар берилди. Интерактив ўйинлар ва амалий машғулотларга бой бўлган тренинглар жараёнида иштирокчилар педагогик маҳоратларини оширди.

Бундан ташқари, оромгоҳлар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, йил давомида қўшимча даромад манбаларини яратиш механизмлари ҳам кўриб чиқилди. Алоҳида сессия «Oromgohlar.uz» ракамли платформа бағишланиб, унинг бошқарув самарадорлигини оширишдаги ўрни ва имкониятлари таҳлил этилди.

– Болалар оромгоҳларидан фойдаланиш борасида Ўзбекистон бошқа мамлакатларга ўрнак бўла олади, – деди CEI вакили Гамбле Жеффри Жамес. – Сабаби, бу ерда турли имтиёз ва чегирмалар мавжуд. Кўплаб хорижий давлатларда бундай хизматлар анча қиммат. Ўзбекистонда болаларга қаратилган эътибор ва яратилган шароитлар эса бизни ҳайратга солди.

Маъмур семинар болалар оромгоҳларини ривожлантиришда янги босқични бошлаб бериши, халқаро тажрибаларни миллий тизим билан уйғунлаштириш орқали ҳар қачонгидан самарали натижаларга эришишда қўл келиши билан янада аҳамиятлидир.

Диёра РАВИШАНОВА,
Қувончбек ТЎРАЕВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

БАЖАРИЛМАГАН МАЖБУРИЯТ иш берувчига қимматга тушди

Чиноз тумани тиббиёт бирлашмасида 2023 йилдан буён архив ходими бўлиб ишлаб келаётган Мадинабону Бахромовага тегишли моддий ёрдам пули охир-оқибат бир неча миллион сўмлик қарзга айланди.

Гап шундаки, 2024 йил 1 май куни иш берувчи чиқарган буйруққа асосан, қатор ходимлар сингари М.Бахромовага ҳам бир ойлик маоши миқдорида – 2 миллион сўмлик моддий ёрдам бериш белгиланди. Бироқ орадан икки йил ўтса-да, иш берувчи мажбуриятини бажармади.

Ходим турии идораларга мурожаат қилди, барибир натижа бўлмади. Шундан

сўнг биздан ёрдам сўради.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига биноан иш берувчи ўз молиявий аҳволидан қатъи назар, ходимга белгиланган барча тўловларни ўз вақтида амалга ошириши шарт. Борди-ю, тўловларни кечиктирса, нафақат асосий қарз, балки ҳар бир кечиктирилган кун учун қўшимча компенсация тўлаши лозим.

Танлов

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА СИНОВИ



Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг фаол электромонтер» танловининг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудий босқичларда юқори натижа кўрсатган 12 нафар мутахассис иштирок этди.

Финал босқичида иштирокчиларнинг назарий билимлари билан бир қаторда, амалий кўникмалари ҳам синовдан ўтказилди. Шу жараёнда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш, асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиш ва иш сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

– Тадбирдан кўзланган мақсад – ёш мута-

хассислар истеъодларини намоён қилиш, касбга бўлган қизиқишларини кучайтириш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва рағбатлантириш, касбий маҳоратини ошириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишлари учун шароит яратишдан иборат, – деди Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба

уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мирвоҳид Ҳайдаров. Қизғин кечган беллашувда голибликни «Марказий филиал» жамоаси қўлга киритди. Ғолиб ва иштирокчилар диплом ҳамда эсдалик совгалар билан тақдирланди.

Диёра
ЗИЁДУЛЛАЕВА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкор вазирилик ва идоралардаги 50 нафар ходим учун жорий йилнинг 2-3 май кунлари Қозоғистон Республикасининг тарихий ҳудудларидан бири – Туркистон вилоятига маданий-маърифий саёҳат ташкил этди.

ТУРКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ

Иштирокчилар, аввало, Арслонбобо зиёратгоҳига таширф бўлиб, у ердаги табаррук муҳитни ҳис этдилар. Арслонбобо ислом маънавиятида юксак ўрин тутган, халқ орасида катта ҳурмат-эҳтиром қозонган авлиёлардан бири ҳисобланади.

Унинг ҳаёти ва фаолияти ёш авлодни эзгулик, поклик ҳамда мустақкам иймон-эътиқодга қорлайди. Ривоятларга қўра, у ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг маънавий устозларидан бўлган.

Саёҳат давомида Туркистон шаҳрида жойлашган буюк мутафаккир,



Мухаммаджон РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ҳуқуқ

Ҳисоб-китобларга қўра, М.Бахромовага тўланиши керак бўлган моддий ёрдам пули ўша вақтда 1 миллион 997 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2026 йилга келиб, 18 миллион сўмдан ошган.

Биз ҳолат юзасидан тегишли тартибда судга даъво-ариза киритдик. Натижада иш берувчидан ходим фойдасига 1 миллион 997 минг сўм моддий ёрдам ҳамда Меҳнат кодексининг 333-модласига асосан, 2024 йил 1 майдан 2026 йил февралгача бўлган давр учун 18 миллион 204 минг сўм миқдорда компенсация ундириладиган бўлди.

Туризм

тасаввуф илмининг зарбадест намоянаси ҳазрати Аҳмад Яссавий макбараси ҳам зиёрат қилинди. Ушбу муқаддас маскан асрлар давомида туркий халқлар учун маънавият бешиги бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Аҳмад Яссавий таълимоти инсонни маърифат, сабр-тоқат, поклик ва ҳалолликка даъват этади.

Саёҳатчиларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида улар ўртасида камондан ўқ отиш бўйича спорт мусобақаси ҳамда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Қизгин ва самимий руҳда ўтган беллашувлар ҳамда муסיкий дастурлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Шу билан бирга, жисмоний фаоллик ва тетикликни оширди.

Шоҳида БЕГИМҚУЛОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

Ҳафталик

ТАШАББУСЛАР НАТИЖА БЕРМОҚДА

Меҳнатни муҳофаза қилиш деганда кўпчилиكنинг кўз олдига махсус кийим-бош, ҳимоя каскаси ёки хавфсизлик техникаси қоидалари келади. Албатта, жисмоний хавфсизлик баридан муҳим. Бироқ Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан нишонлаб келинаётган Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни олдимишга янада мураккаб ва нозик вазифа қўймоқда. У ҳам бўлса, соғлом психологик-ижтимоий иш муҳитини таъминлаш масаласидир.

Хўш, нима учун бугун бу мавзу кун тартибининг энг юқори поғонасига чикди?

Таҳлиллардан маълум бўлишича, замонавий иш жараёнида инсон саломатлигига фақатгина носоз дастгоҳ эмас, балки сурункали стресс, толиқиш ва жамоадаги носоғлом муҳит ҳам жиддий зарар етказмоқда. Психологик босим остида ишлаётган ходимнинг диққати тарқоқ бўлади, бу эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабабига айланади. Демак, руҳий хотиржамлик бўлмаган жойда ҳеч қандай хавфсизлик техникаси қоидаи қафол бўла олмайд.

Бугунги кун иш берувчиси ва касаба уюшмалари олдида турган энг катта вазифа ҳодимни жисмоний шикастланишдан асраш билан бир қаторда, ижтимоий-руҳий босимлардан ҳам ҳимоя қили оладиган тизим яратишдир. Бу иш унумдорлигини оши-

ришнинг энг самарали иқтисодий омилдир. Аynи шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши томонидан белгиланган чора-тадбирлар ҳафталиги соҳага янгича қараш имконини бермоқда. Ушбу йўналишдаги ишлар тизимли равишда ташкил этилмоқда. Хусусан, «Бухоро минтақавий темир йўли узели» ҳудудий касаба уюшмаси қўмитаси солида айтилган бўлса, юқори хавф мавжуд бўлган ва қатъий интизом талаб қилинадиган мазкур соҳада психологик мувозанатни сақлаш ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда бош омил сифатида қаралмоқда. Мутахассислар иштирокида ўтказилаётган амалий машғулотлар ходимнинг руҳий тетиклигини таъминлаш орқали хавфсизлик маданиятини юксалтиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бухоро шаҳридаги

«Ишга марҳамат!» номарказида уюштирилган давра суҳбати эса таҳлил майдонига айланди. Видеоконференцалоқа имкониятларидан фойдаланиб ўтказилган мулоқотда тармоқ касаба уюшмалари вакиллари нафақат соҳа муаммоларини, балки ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларга мос механизмларини ҳам муҳокама қилдилар.

Кўпчилиكنинг эътироф этишича, кенгаш томонидан амалга оширилаётган тизимли ишлар, жумладан, чекка ҳудудлардаги тармоқ қорхоналаридан тортиб йирик ишлаб чиқариш мажмуаларигача қамраб олган ташаббуслар ўз мевасини беради. Зеро, меҳнат муҳофазаси маданияти юксак бўлган жамяятда иқтисодий юксалиш, ижтимоий барқарорлик бардавом бўлади.

Азиз АМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

Спорт

Зарбдор тумани спорт мактабининг сув полоси бўйича мураббийи Омонжон Сафаров машғулотни кузатар экан, кўнгли ғурурга тўлди. Ахир, шогирдларининг 14 нафари вилоят, 6 нафари республика терма жамоасининг аъзоси. Яқин йилларда улар орасидан жаҳон ва олимпия ўйинлари ғолиблари етишиб чиқса, ажаб эмас.

МАҚСАД – ОЛИМП ЧЎҚҚИСИ

Устознинг кўнглида бу умидни 12 ёшида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган Элдор Яхшиликков, Исроил Маматқулов каби ёш спортчилар мустаҳкамламоқда. Яна шуниси аниқки, туман сув полоси жамоасининг шаклланиши ҳамда ютуқларга эришишида 2019 йили туман марказида қуриб фойдаланишга топширилган сузиш ҳавзаси асосий омил бўлди.

Узунлиги 25, эни 11, чуқурлиги 1,30-1,90 метр ҳавзада ҳар куни икки навбатда – соат 8-10 ҳамда 14-16лар оралаида тизимли машғулотлар уюштирилмоқда. Малакали мутахассислар иштирокидаги маҳорат дарслари ҳам анъанага айланган. Сув полоси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, халқаро тоифадаги ҳакам Акбар Содиқов ёшлар учун навбатдаги машғулотни ўтиб берди.

– Бугунги кунда сув полоси бўйича пойтахт ва Наманган вилояти жамоалари етакчи ҳисобланади. Бироқ 3-4 йил ичида жиззаҳликлар уларга муносиб рақиб бўла олишига ишонаман. Боиси вилоятда, хусусан, Зарбдор туманида кучли U-13 жамоаси шаклланыпти. Яъни, соҳага эътибор ўз натижасини бермоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг сув спорти мажмуаларини бунёд этишга, ўқув йигинлари ҳамда жамоаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти Зарбдордаги каби ўнлаб жамоалар кучайиши, янги даражага кўтарилишига хизмат қилмоқда, – дейди сув полоси бўйича халқаро спорт устаси Акбар Содиқов.

Эътиборли жиҳати, туман спорт мактаби ҳавзаси давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқарилмоқда. Тадбиркор Сулаймон Шералиев бинони сақлаш, иссиқлик ва сув билан таъминлаш каби ишларни ўз зиммасига олган. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиб, фойда қўради.

Жорий йилда ишбилармон бинога куёш панеллари ўрнатмоқчи. Натижада электр ва табиий газ харажатлари камаяди. Ҳўжалик юмушлари билан ўз ишининг устаси шугўлланаётгани Омонжон Сафаров ва унинг ҳамкасбларига ҳам маъқул, машғулдан чалғимайдилар. Бу Олимп чўққиларини кўзлаётган ёш спортчилар учун ҳам аynи муддао.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

**Тарбия оқилликни вужудга келтиради.
Кишининг тарбияси бўлмаса, у бемаъ依ликни хуш кўради.
Абу Наср Форобий**

Меҳнат муҳофазаси

УСКУНАЛАРНИНГ «ТИЛИ» ЙЎҚ

ёхуд ходимнинг ишдаги хавфсизлиги ҳар дақиқада хушёрликни талаб этади

Меҳнат хавфсизлиги ҳақида гап кетганда, айрим-лар бу юмушга масъул шахсларнинг вазифаси асосан иш жараёнида ходимларни хушёрликка чорлаб туришдан иборат, деган фикрга борадилар. Аслида эса корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар зиммасидаги масъулият ва юмушлар шу қадар кўпки, бунинг учун улардан чуқур билим, ҳаётий тажриба, турли вазиятларда тезкор ва тўғри қарор қабул қила олиш салоҳияти ҳам талаб этилади.

Албатта, ҳар бир соҳада иш қуролидан тўғри фойдаланилса, у мутахассис учун дастёрга, йўриқнома талабларига риоя этмай ишлатилса, хавф манбаига айланиши ҳеч гап эмас. Бу, айниқса, металлургия ва машинасозлик корхоналарида гоят муҳим масала ҳисобланади. Негаки, ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларининг кундалик фаолияти юқори кучланишли ускуналар, юк кўтариш ва тушириш мосламалари, босим остида ишлайдиган аппаратлар, мураккаб механизмлар

билан боғлиқ. Шу боис ходимларнинг улар билан хавфсиз ишлаш кўникмаларини ошириб бориш билан бирга, иш қуроллари синовларини белгиланган муддатларда ўтказиш, аниқ ва раvon ишлашини текшириб туриш лозим. Техник ҳолатида муаммо туғилган механизмлар дарҳол таъмирланиши, эскирган қурилмалар алмаштирилиши зарур. Қисқаси, ускуналарнинг «тили» йўқ, демакки, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан пайқаш ва олдини олиш механик ва меҳнат муҳофазаси вакилларининг бош вазифасидир.

Яқинда Андижон вилоятида фаолият кўрсатётган металлургия ва машинасозлик корхоналари касаба уюшмаси кўмитаси раислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандислари иштирокида ўтказилган семинарда шу каби масала-

лар муҳокама қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 25 декабрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид айрим низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Савол-жавоб ва мунозаралар жараёнида меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг вазифа ва ҳуқуқлари, иш берувчининг мажбуриятлари, шунингдек, касаба уюшмаси кўмитаси раисининг бу борадаги ўрни ҳусусида сўз юритилди.

Музаффар АЗИМХЎЖАЕВ,
*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Андижон вилоятли
кенгашининг меҳнат техник
инспектори*

Рағбат

ИНШОЛАРДА КАСБ МАҲОРАТИ

Тадорик

Наманган вилоятида болаларнинг ёзги дам олишини мазмунли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларига тайёргарлик изчил давом этмоқда. Вилоят Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти бошқармаси тасарруфида 9 та оромгоҳ фаолият юритмоқда. Жорий йилда уларда 6 минг 520 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Шундан 2 минг 418 нафари бепул соғломлаштирилади. Касаба уюшмалари орқали 3 минг 722 нафар ходимнинг фарзандлари ҳам оромгоҳларда бўлишади. Яна 380 та йўлнамаси эса «Oromgohlar.uz» платформаси орқали эркин сотувга чиқарилади.

ТАЪТИЛ СЕРМАЗМУН ЎТАДИ

Соғломлаштириш масканлари инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўйчи туманида жойлашган «Умид ниҳоллари» оромгоҳи янгидан барпо этилди. 200 ўринли муассасада мавсум давомида 800 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Шунингдек, Поп тумани Чодак қишлоғидаги «Офтобча» ҳам янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Албатта, вилоятимизнинг сўлим ва бетакорр табиати қўйнида бунёд этилган ушбу сихатгоҳлар кўрган кўзни қувнатади, ҳавасини келтиради. Ёзги мавсумда болаларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида кадрлар танловига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Oromgohlar.uz» платформаси орқали 1 минг 350 нафардан ортиқ номзодлар ишлаш истагини билдиришган. Танловлар натижасида 157 нафар номзод саралаб олинди. Уларнинг 57 нафари талаба, 100 нафари эса педагог ходимлардан иборат. – Мақсадимиз, болалар учун нафақат дам олиш, балки маънавий-маърифий ва спорт тадбирларига бой, мазмунли шарт-шароитларни яратиш, – дейди Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Икромов. – Шу боис оромгоҳларда турли тўғараклар, мусобақалар, маданий дастурлар ташкил этилади. Ҳар бир бола бу сўлим масканлардан ёрқин таассуротлар билан қайтиши учун барча имкониятларни муҳайё этамиз.

Азизбек ХОЛИҚОВ,
*Болаларнинг дам олишини
ва соғломлаштирилишини
ташкил этиш
департаменти Наманган
вилояти бошқармаси
бош мутахассиси*



ган ўқув жараёнида тингловчилар «Дўстлик – Тўлқин» ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг фаолияти ва илғор тажрибалари билан ҳам яқиндан танишдилар. Семинар якунида уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти томонидан сертификатлар топширилди.

Ёрғали СЕЙТНАЗАРОВ,
*Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг
Қорақалпоғистон
Республикаси бўйича масъул
ташкilotчиси*

Ўқув ТАЖРИБА, САМАРАДОРЛИК ВА ХОДИМЛАР МАНФААТИ

Амударё туманида Қорақалпоғистон Республикасидаги фермер хўжалиқларининг 103 та ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкilotи раислари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Амударё тумани ҳокими Собир Хожаметов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси ўринбосари Муратбай Данияров, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Хусан Бегматов ҳамда соҳага масъул мутасаддилар иштирок этдилар.

Фермер хўжаликларида касаба уюшмалари фаолиятини ташкил этиш, ташкилий-меъёрий ишларни тўғри йўлга қўйиш, раисларнинг билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашни мақсад қилган ушбу тадбирда ходимлар манфатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, ички меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тартиби ҳамда жамоа билан самарали мулоқот олиб бориш бўйича батафсил тушунчалар берилди. Ўзаро тажриба алмашиб, соҳадаги амалий ишлар юзасидан фикр ва таклифлар билдирил-

таҳкамладик, – дейди Мадинахон Акбаралиева. – Келгусида ҳам шундай танловлар ўтказилишини хоҳлардим. Бу нафақат касбий, балки ижодий ривожимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Танлов якунида голиб ва фаол иштирокчиларга Таълим ва фан ходимлари

касаба уюшмаси Қўқон шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Насибохон МАҲКАМОВА,
*Қўқон шаҳридаги 36-умумий
ўрта таълим мактаби
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси*

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Ишга кириш чоғида шаходатнома (аттестат) керак бўлиб қолди, аммо қидириб тополмадим. Уни қайта тиклаш учун кимга ёки қайси ташкilotга мурожаат қилишим керак?

Муҳлиса ТУРҒУНБОВЕВА
Сурхондарё вилояти

ШАҲОДАТНОМАНИ ТИКЛАСА БЎЛАДИМИ?

ЖАВОБ: Сиз шаходатномани тиклаш учун ўзингиз таълим олган мактаб маъмуриятига, агар таълим муассасаси фаолиятини тугатган бўлса, ҳудудий таълим бошқармасига мурожаат қилишингиз керак.

Аризада исм-шарифингиз ва фамилиянгиз билан бирга туғилган йилингиз ва санаси, ўша мактабга қабул қилинган вақтингиз ва тугатган йилингиз аниқ кўрсатилиши лозим.

Мурожаатингиз бир ой муддатда кўриб чиқилади ва сизга шаходатнома дубликати бепул берилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Орамиздаги одамлар

Ноз-неъматга тўла дастурхон... Худди байрамдек. Дастурхон четида бир даста газета тахлами. Ота ўғли Алижонга меҳр билан қаради ва ўрнидан туриб, уни маҳкам бағрига босди. Шу аснода елкалари енгил титраётгани сезилиб турарди.



ФИДОЙИ ИНСОН

– Бугун менинг энг бахтиёр куним, – деди у шивирлаб...

Мана шу манзара, мана шу ҳолат боланинг хотирасида бир умрга муҳрланди.

Отаси оддий чўпон эди. Шу боис улар Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги яйловларда кўчиб яшашарди. Алижон эса мактаб-интернатда ётиб ўқир, яшанба кунлари уйига қайтарди. Туманда чиқадиган «Чорвадор» газетасида кичик мақолалари билан иштирок этиб турарди.

Кейин билса, отаси унинг мақолаларидан бирини ўқибди ва газетанинг ўша сонидан анчасини сотиб олибди. «Шунча газетани нима қиласиз?» деб сўраганларга «Ҳаммага тарқатаман, совға қиламан. Ўқишсин, кўришсин», дея жавоб берибди.

Алижон ўша пайтда бир ҳақиқатни англаб етди: отани хурсанд қилиш учун яхши ўқиш, кўп ютуқларга эришиш керак экан.

Баъзан отаси мактабга келиб, унинг дарсларини қузарди. Бу эса Алижонга рағбат бағишларди. У ўқишга қаттиқ киришди, аъло баҳолар олиб, отасини янада қувонтиришини истади. Ана шу интилиш унда китобга меҳр уйғотди. Тўплаган билимлари эса кейинчалик Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга киришида асқатди.

Алижон меҳнат фаолиятини Мирзаобод туманидаги 1-мактабда бошлади. Кейинчалик тўққиз йил туман Халқ таълими бўлимини бошқарди, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи ва унинг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлади. Педагогик фаолияти давомида ўқувчилар билан «Сиз ота-онангизни хурсанд қилишни истайсизми?» мавзусида кўплаб тадбирлар ўтказди. Уларда ўз ҳаётидан мисол келтириб, отаси ҳақида сўзлаб берди. Ота-оналар фарзандларидagi ижобий ўғаришлардан қувониб, унга кўндан-кўп раҳматлар айтишди.

Алижон Мамарасулов 1991-2002 йилларда Мирзаобод тумани халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажарди. Соҳа ходимларининг ҳаёти ва муаммоларини яхши билгани боис доим уларга кўмакчи ва ҳимоячи бўлишга интилди.

У 2014 йилдан буён Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкilotчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда тармоқда жами 59 минг 650 нафар аъзо бор, бултур уларнинг сони 1 653 нафарга ошди.

Масъул ташкilotчи касаба уюшмалари ҳаракатининг асоси бўлган бошланғич ташкilotларга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимоядан четда қолмаслигини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва муассасаларда бошланғич ташкilotлар тузиш, жамоа шартномаларини имзолаш ва уларнинг ижроси юзасидан меҳнат жамоаси олдида камида йилда бир марта ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйишни доимий вазифаси, деб билади. Шунингдек, касаба уюшмаларининг нуфузини ошириш, меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва тарибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади. Норасмий сектор ва ҳусусий таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиш, уларни касаба уюшмасига жалб этиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келяпти. Туман (шаҳар) бўлинмалари ва олий таълим муассасалари касаба уюшмаси кўмиталари ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилгани эса иш самарадорлигини янада оширди.

Алижон Мамарасулов маданий-маърифий ва спорт тадбирларига катта эътибор билан ёндашади. Унинг саъй-ҳаракати билан «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» дастури доирасида пенсия ёшига етган 23 нафар фўқарога моддий ёрдам кўрсатилди, 44 нафар ходим юбилейи муносабати билан рағбатлантирилди, 120 нафар кам таъминланган ёш оила кўлаб-қувватланди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида 2 минг 569 нафар ходим учун саёҳатлар ташкил этилди.

Мухтасар айтганда, Алижон Мамарасулов ҳалол ва фидокорона меҳнати, юксак маънавияти билан барчага намуна бўлиб келмоқда.

Баҳор ХОЛБЕКОВА

ШИФОКОР ВА ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Меҳнатни енгиллаштирувчи технологиялар кўпайгани сайин жисмоний фаоллик чекланиб борапти. Бу аҳоли ўртасида юрак хасталиклари, саратон, инсульт, қанд касалликлари кескин ортишига олиб келди. Мутахассислар мазкур муаммога ечим спорт эканлигини таъкидлашмоқда.

Шу маънода мамлакатимизда спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу ишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси сув спортини оммалаштириш ҳамда турли мусобақалар уюштириш орқали муносиб ҳисса қўшаётир. Жумладан, Жиззах шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари кубоги учун «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг вилоят босқичи ташкил этилди. Унда 254 нафар тиббиёт ходими мини-футбол,

шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол бўйича куч синашди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Жиззах шаҳри шифокорлари эгаллашди. Кейинги ўринларни Пахтакор ва Зарбдор туманлари тиббиёт бирлашмалари жамоалари қўлга киритишди.

Мусобақада кўплаб ҳаваскор спортчилар кашф этилди. Жумладан, шахмат баҳсларида 1-ўринга сазовор бўлган республика тез тиббий ёрдам марказининг Жиззах филиали навбатчи шифокори

Мансурбек Қувондиқов ҳамда Арнасой тумани тиббиёт бирлашмаси қабул бўлими навбатчи ҳамшираси Ирода Дўстмуродова ҳакамлар эътирофига сазовор бўлди. Жиззах шаҳрининг мини-футбол ва волейбол жамоалари кўрсатган ўйинлар эса тиббиёт ходимлари спортда ҳам юқори маҳоратга эга эканлиklarини намоеън этди.

Ғолибларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кубоги ва пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича фаол иштирокчилар рағбатлантирилди.

Ирода ПАРДАЕВА,
*Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши
мутахассиси*

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

Абу Райҳон Беруний

Фестиваль

ГУЛЛАР БИЛАН ЁЗИЛАЖАК РЕКОРД

Наманган ўзининг бунёдкорлиги, эстетик дид ва бирдамлигини намоён этаётган масканга айланиб бормоқда. Бу йил вилоятнинг ўзига хос ташриф қоғозига айланган халқаро гуллар фестивали доирасида Наманган шаҳри бўйлаб 120 турдаги 150 миллион туп гул кўчати замонавий ландшафт — дизайн асосида экилди. Бу ташаббус дунё миқёсида эътироф этилиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин эгаллаши кутилмоқда.



вишда жалб этилиши самарасидир. Зеро, эндиликда гул экиш мажбурият эмас, ўзига хос маданият, ҳатто ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. 65-халқаро «Гуллар фестивали» доирасида амалга оширилаётган янги лойиҳа бу жараёнларни янги босқичга олиб чиқади. Фестиваль эса аллақачон халқаро миқёсда эътироф этиладиган тадбирга айланган. Ҳар йили турли давлатлардан келган меҳмонлар Намангандаги гул композицияларини томоша қилиб, бу ерда яратилган гўзалликдан илҳом олишади. Эндиликда фестивал доирасида жаҳон рекорди ўрнатишга уриниш унинг нуфузини янада ошириб, глобал маданий ҳодисага айлантиради.

Ташаббуснинг яна бир ижобий жиҳати унинг экологик аҳамиятидир. Ҳозирги даврда экологик муаммолар, хусусан, ҳаво ифлосланиши, иқлим ўзгариши каби масалалар бутун дунё аҳли учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Гуллар ва яшил ҳудудлар уларни юмшатишда муҳим роль ўйнайди. Ҳавони тозалаб, шаҳар микроиқлимини яхшилайти, чанг ва зарарли моддалар камайишига ёрдам беради. Бинобарин,

Намангандаги ушбу лойиҳа экологик жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Қолаверса, у ҳудуднинг туристик жозибадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Бугунги кунда туризм нафақат иқтисодий, балки маданий алмашинув воситаси сифатида ҳам тан олинмоқда. Ранг-баранг гуллар билан безатилган шаҳар эса ҳар қандай сайёҳ учун жозибали манзара ҳисобланади. Наманган худди шу хусусияти билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Агар у ерда жаҳон рекорди ҳам қайд этилса, бутун Марказий Осиё учун муҳим воқеа бўлади.

Бироқ бу хайрли ташаббуснинг энг катта ютуғи натижа эмас, балки жараённинг ўзидир. Негаки, унинг шарофати билан минглаб одамларнинг қалбида табиатга меҳр, гўзалликка интилиш, жамиятга фойда келтириш истаги жўш қалади. Чинакам ўзгаришлар эса инсон қалбидан бошланади.

Хуршида НИШОНОВА,
Наманган шаҳридаги
43-умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси

Эссе

Инсон ҳаёт сўқмоқларидан одимлаб бораркан, баъзан қар-шисидан осонликча ўтиб бўлмас девор чиқади-ю, таққа тўхтаб қолади. Чунки у тўсик оғир дард, катта йўқотиш ёки узок давом этган умидсизликдан ҳосил бўлган девордир. Бундай дамларда дунёнинг ранглари ҳам сўнгандай, осмон мовийлигини, гуллар ифорини, қуёш ҳароратини йўқотгандек туюлади. Оқибатда инсон фақат ўзигагина аён изтироблар гирдобида ёлғизланиб қолади. Бу зулмат ичра «Нега мен?» деган савол акс-садо бераверади, бераверади... Бироқ руҳиятнинг энг тор ва қоронғи бурчагида ҳам бир нур яширин бўладики, у фақат бир ҳолатда — нигоҳимизни ўз оғригимиздан узиб, ўзгалар эҳтиёжларига қаратганимиздагина аланга олади.

МЕҲРНИНГ РАНГИ

Дунё аслида сизу биз ўйлагандан анча ранг-баранг. Ҳамма гап шундаки, биз фақат ўз жараҳатларимиз боғламига тикилиб турган пайтимизда меҳрнинг асл рангини илғамаймиз.

Қизиқ, меҳрнинг ранги қанақа бўлади? У, эҳтимол, бемор дилбанднинг бошида тундан тонгга қадар мижжа қоқмай ўтириб чиққан онаизорнинг толиққан нигоҳидаги нурдир? Эҳтимол, йўл четида совуқдан аъзойи бадани дир-дир қалтираётган кишига уза-тилган иссиқ нон тафтидир?..

Биз кимгадир беминнат таскин улашганимизда аслида ўз қалбимизнинг дарз кетган жойларини ямаётган бўламиз. Ўз дардимизга ҳаддан зиёд боғланиб қолсак, худди деворлари ойнаванд қафасга қамалиб қолгандек бўламиз. Ён-атрофни кўра-миз, лекин ҳис этолмаймиз. Қачонки ўз муаммоларимиздан бироз чекиниб, бошқа бир инсоннинг юрагидаги ҳадикни ёки эҳтиёжни пай-

қасак, вужудимизда қутилмаган алланечук жараён бошланади. У илм-фанда алтруистик акс-садо, деб аталади. Аникроғи, инсонда ўзганинг азобини тушуниш ва унга ёрдам бериш истаги пайдо бўлган онларда мия-сидаги қўрқув ва хавотир учун масъул қисмлар бир муддат тинчланади.

Биз кимнингдир ютуғидан астойдил қувонганимизда ёки кимнингдир мушқулини осон қилганимизда, қалбимиздаги «мен» деган тор тушунча кенгайиб, «биз»га айланади. Бу кенгликда шахсий оғриқлар ўз вазини йўқота бошлайди. Сиз бошқа бир қалбга ёруғлик олиб қира олишингизни англаган лаҳзада ичингиздаги зулмат ҳам ортга чекина бошлайди. Бинобарин, чироқ бошқаларга нур соча туриб, аввало, ўз атрофини ёритади.

Баъзан ички оғриқлар ва руҳий чарчоқлар бизни заҳарлай бошлаганда бошқаларга яхшиликни соғиниш қонимиздаги оғуни ҳайдайдиган табиий муо-

лажага айланади. Руҳий оламда бировнинг қўнглини кўтаришга сарфланган энергиянинг ҳар зарраси эгасига икки ҳисса бўлиб қайтади. Бу жараёнда вужуддаги қўрқув гормонлари чекиниб, ўрнини хотиржамлик ва яшашга иштиёқ ҳиссига бўшатиб беради.

Меҳр улашиш орқали сиз ўзингизни қайта кашф эта-сиз. Биргина илиқ сўзингиз ёки кичик қўмагингиз кимнингдир ҳаётида кескин бурилиш ясаши мумкинлигини билиш энг оғир руҳий жараҳатларни ҳам битиришга қодир. Шу боис қалбингиз оғриётган бўлса, дорихонага эмас, меҳрга муҳтож бирор киши сари шошилинг. Зеро, ўзгаларнинг корига яраш, уларга мададкор бўлиш ва қувонч ула-штиш орқали келадиган бахт энг мустаҳкам ва ҳақиқий бахтдир!

Хўш, меҳрнинг ранги қанақа бўлади? Бу саволга жа-воб на ранглар палитрасида, на рассомлар мўйқаламида бор. Биз у рангни кўз билан кўрмаймиз, балки бошқа бир инсоннинг юзидagi та-бассумда, қўнглидаги хотир-жамликда ва энг муҳими, ўз ичимиздаги ажиб бир енгил-ликда пайқаймиз. Инчунин, биз бошқа бир инсоннинг ҳаётига ранг олиб кирсак, ўз тақдиримизнинг қора-оқ чи-зиқлари ҳам секин-аста гў-зал мусаввирлик асарига ай-лана бошлайди.

Модомики, шундай экан, қалбингиз ранги сўна бошлаганини сессангиз, уни атрофингиздагиларга ула-шинг. Чунки меҳр ҳар қанча бўлашилгани билан асло ка-маймайдиган, билтаск, бу-тун бориқни янада мунав-вар этадиган ягона жавоҳир-дир.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Ҳуқуқий ҳимоя

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИНГИЗ ХАВФСИЗМИ?

фоизиди эса инсон омили – нотўғри ҳаво-лага босиш, заиф пароль, эҳтиётсизлик ёки алданиш асосий сабаб бўлган.

Сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган фишинг хатлари ҳам хавфни янада кучайтирмоқда. Бундай хатлардаги ҳавола-ларга босиш эҳтимоли оддий фишинг хат-ларига нисбатан 54 фоиз юқори экани қайд этилмоқда. Яна бир хавотирли жиҳат шун-даки, битта маълумот сизиб чиқиши ҳо-лати ўртача 241 кун давомида сезилмас-лиги мумкин. Бу эса киберхужум оқибат-лари нафақат тез, балки узок муддатли зарар келтиришини англатади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ:
ҲАМ ҲИМОЯ, ҲАМ ТАҲДИД

2026 йилда киберхавфсизлик соҳасида мутлақо янги муаммо пайдо бўлди. Бир томондан, ҳакерлар сунъий ин-теллект ёрдамида оддий одамниқидан фарқ қилмайдиган сохта хатлар, овозлар ва хатто видеоқўнғироқлар яратмоқда. Ик-кинчи томондан, хавфсизлик тизимлари ҳам сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланаяпти. У таҳдидларни тезроқ аниқлаш, шубҳали ҳаракатларни таҳлил қилиш ва хуружларнинг олдини олишда муҳим воситага айланмоқда. Маъ-лумотларга қўра, сунъий интеллект ёр-дамида хавфларни аниқлаш жараёни 108 кунгача тезлашган. Дунё иқтисодий фо-руми маълумотларида ҳам киберхавфсиз-лик раҳбарларининг 94 фоизи 2026 йилда сунъий интеллектнинг соҳадаги энг хал қи-лувчи омиллардан бири сифатида баҳола-гани қайд этилган.

Шу билан бирга, яна бир янги таҳдид кучаймоқда. Мутахассислар уни шартли равишда «ҳозир йиғиб, кейин очиш» стра-тегияси деб атамоқда. Яъни давлат дара-жасидаги ҳакерлар бугунча шифрланган маълумотларни тўплаб, келажақда квант компьютерлари ёрдамида уларни очишни режалаштирмоқда.

Бу эса бугун ишончли ҳисобланган криптографик ҳимоя эртага хавфсиз бўл-май қолади, деганидир.

ЎЗБЕКИСТОН: ҚОНУНИЙ
МУҲИТ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР

Ўзбекистонда «Шахсга доир маълу-мотлар тўғрисида»ги қонун шахсий маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тартибини белги-лайди. Унда маълумотлар эгасининг рози-лиги, операторлар мажбуриятлари ҳамда шахсий ахборот билан ишлашда хавфсиз-лик талаблари назарда тутилган. Бу, ал-батта, тўғри йўналиш.

Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Амалиётда айрим хусусий компания-лар, баъзи ҳолларда эса давлат ташкилот-лари ҳам фойдаланувчилар маълумотла-рини етарлича ҳимоя қилмаслиги, улардан реклама ёки бошқа мақсадларда фойдала-ниши ҳақида маълумотлар пайдо бўляпти. Энг ёмони, кўпчилик фуқаролар ўз маълу-мотлари қаерда сақланаётгани, қимлар то-монидан қайта ишланаётгани ва қандай мақсадларда фойдаланилаётганидан беха-бар.

Халқаро тажрибада Европа Иттифоқи-нинг Умумий маълумотларни ҳимоя қи-лиш регламенти – GDPR энг қатъий меъё-рлардан бири ҳисобланади. 2023 йилда Meta компанияси GDPR талабларини бузгани учун 1,2 миллиард евро миқдориди жари-мага тортилгани шахсий маълумотлар би-лан боғлиқ масъулият қанчалик жиддий эканини кўрсатади. Бундай механизмлар биз учун ҳам муҳим сабоқ бўлиши керак.

ФУҚАРО НИМА ҚИЛА ОЛАДИ?

Хуқуқий ҳимоя муҳим. Аммо рақамли хавфсизлик фақат қонун ёки давлат зиммасидагина эмас. Ҳар бир фуқаро шахсий маълумотларини ҳимоя қилишда масъул бўлиши керак.

ҲАР КУНИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМ-ЛАР ЎЗ ИСМИ, МАНЗИЛИ, МОЛИЯ-ВИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ ВА ШАХ-СИЙ ҲУҶЖАТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЮБОРАДИ. БАНК ИЛОВА-СИГА КИРАМИЗ, ДАВЛАТ ХИЗМАТИ-ДАН ФОЙДАЛАНАМИЗ, ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДА РЎЙХАТДАН ЎТАМИЗ, ОНЛАЙН ХАРИД ҚИЛАМИЗ. АММО БИР САВОЛ КЎПИНЧА ЭЪТИБОРИ-МИЗДАН ЧЕТДА ҚОЛАДИ. УШБУ МАЪЛУМОТЛАР ҚАЕРГА КЕТАДИ, КИМ ТОМОНИДАН САҚЛАНАДИ ВА ЭНГ МУҲИМИ — КИМЛАРДАН ҲИ-МОЯЛАНГАН?



2024 йилда дунё бўйлаб юз берган ки-берхужумлар сони олдинги йилга нисбатан 38 фоизга ошди. Ҳар 39 со-ниёда бир компьютер тизими ҳакерлар томонидан бузилади. Фақат Европа Итти-фоқида 2023 йил давомида шахсий маълу-мотлар сизиб чиқиши оқибатида етказил-ган зарар 10,3 миллиард еврони ташкил этди. Бу рақамлар ортида инсонлар ҳаёти, жамғармалари, шахсий сирлари турибди. Биз яшаётган асрда рақамли иденти-фикация шахснинг яна бир қиёфасига ай-ланди. Ижтимоий тармоқдаги профиль, банк иловаси, тиббий ёзувлар, электрон почта, давлат хизматлари портали инсон ҳақидаги муҳим маълумотлар жамланади-ган рақамли майдонлардир. Аммо бу май-дон қанчалик кенгайса, уни ҳимоя қилиш масъулияти ҳам шунчалик ортади.

Шахсий маълумотлар инсоннинг молиявий хавфсизлиги, шахсий дахлсиз-лиги, ижтимоий обрўси ва хатто эркин-лиги билан боғлиқ стратегик ресурсга ай-ланди. Шундай экан, биз ҳақимиздаги маълумотлар кимнинг қўлида ва улар қай даражада ҳимояланган?

КИБЕРХУЖУМ НИМА ВА
У ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Киберхужум деганда, кўпчилик ҳаке-рларни тасаввур қилади. Аслида эса бу ҳодиса ҳаётимизга анча яқин: сохта электрон хат – фишинг, зарарли дастур – malware, паролни ўғирлаш ёки шахсий маъ-лумотларни фирибгарлик йўли билан қўлга

киритиш каби ҳолатларнинг барчаси ки-берхужум турларига қиради. Жабрланувчи-лар нима бўлганини кўпинча ҳафталар, баъ-зан ойлар ўтгандан кейин билиб қолади. Энг хавфли усуллардан бири – «ижти-моий муҳандислик». Фирибгар ўзини банк ходими, давлат органи вакили, дея та-ништириб, муҳим маълумотларни қўлга киритишга уринади.

Таҳлилларга қўра, 2024 йилда кибержи-ноятлар келтирган йиллик глобал зарар 11,4 триллион долларга тенг бўлган, 2026 йилда эса 120 фоиз ўсиб, 25,8 триллион дол-ларга етиши башорат қилинмоқда.

Бундан ташқари, 2030 йилга бориб, дунёда кибержиноятларга қарши кура-шуви тузилмалар давлат ва хусусий сер-верлар, булутли маълумот марказлари, шахсий компьютер ва қурилмаларда сақла-надиган жами 2 минг зеттабайтлик (икки триллион терабайт) маълумотлар хавфсиз-лигини таъминлаши лозим бўлади.

2026 ЙИЛ: ЭНГ МУҲИМ РАҚАМЛАР

АҚШда кибержиноятлар бўйича ши-коятлар сони биринчи марта 1 мил-лиондан ошди. ФБИнинг IC3 йил-лик ҳисоботида қўра, мамлакатда кибер-жиноятлардан қўрилган йиллик зарар 20,8 миллиард долларни ташкил этган. Бу 2024 йилга нисбатан 26 фоиз кўпдир.

Барча киберхужумларнинг 44 фоизи ransomware – тўлов талаб қилувчи зарарли дастурлар орқали амалга оширилган. Маъ-лумотлар сизиб чиқиши ҳолатларининг 68

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улуг саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.
Абу Али ибн Сино



Умрлар бор, шовқинли, баландпарвоз, зўрма-зўраки мактовлар ичида ўтади, аммо ортидан ҳеч бир из қолмайди. Умрлар бор, сокин, камтарона, лекин синчиклаб назар солсангиз, бесамар ўтмаганига амин бўласиз.

Ҳа, аксар журналистлар шундай ҳаёт кечиришади. Гарчи улар сокин кўринса-да, ҳамиша уйроқ, қалами, юраги билан бошқаларни фикрлашга, эзгуликка чорлаб яшайди.

Устоз журналист Миршароф Муҳсимовни ҳам ана шундай инсонларга менгаш мумкин. Яқинда у кишини йўқлаб бордик. Шинамгина хонада бироз суҳбатлашдик, хотираларига қулоқ тутдик. Шу аснода биринчи космонавт Юрий Гагариндан интервью олган биринчи ўзбек журналисти сифатида тарихда қолган ижодкор бизга ўша кунларни ёд этиб, қисқача сўзлаб берди...

1966 йилнинг олтин кузи. Москванинг Хорошевское шоссеси, «Чодирлар шаҳарчаси». Ўша кунни Миршароф ака ҳеч қачон унутмайди. Бутуниттифоқ II слётига

СОҲАДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Бугун мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фақатгина моддий-техник базани янгилаш ёки муҳташам иншоотлар барпо этиш билан чекланмаяпти. Бу жараён марказида, энг аввало, инсон омили, яъни соҳа ривожини учун меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш масаласи турибди. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 16 апрелда қабул қилинган 175-сонли қарори маданият ва санъат тизимида фаолият юритаётган раҳбар ходимлар учун тарихий аҳамиятга эга муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари учун йиллик меҳнат таътили 56 календарь кун этиб белгиланди. Бу ўзгариш соҳада узоқ йиллардан бери қўтилган адолатли ечим сифатида баҳоланмоқда. Илгари ушбу лавозимларда меҳнат қилаётган раҳбарларнинг таътил муддати қисқартирилган бўлиб, бу уларнинг юқори масъулият ва руҳий зўриқиш билан боғлиқ иш жараёнидан сўнг тўлиқ тикланишига маълум даражада тўсқинлик қилар эди. Янги тартиб раҳбар ходимларнинг меҳнат юкламасини инобатга олган ҳолда, уларнинг ижтимоий ҳуқуқларини умумтаълим мактаблари раҳбарлариники билан тенглаштирди.

Бу жараёнда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм соҳаси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳам таътилни ва изчил ҳаракатлари ётибди. Касаба уюшмалари томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган тахлилий ўрганишлар, давлат идоралари билан ўрнатилган конструктив мулоқот ва асослантирилган тақлифлар мазкур масаланинг ижобий ҳал этилишига замин яратди. Айниқса, Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда соҳадаги реал ҳолатни чуқур таҳлил қилиш орқали раҳбар кадрларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш зарурлиги исботлаб берилди. Бу нафақат директорларнинг шахсий манфаати, балки бутун таълим тизими самарадорлигини оши-

ришга қаратилган стратегик қадамдир.

Бугун Тошкент шаҳридаги 30 та болалар мусиқа ва санъат мактаби директорлари ушбу янгиланиш кувонч ва миннатдорлик билан қўтиб олдилар. Уларнинг эътирофича, мазкур қарор меҳнатларига берилган юксак баҳо ва давлат томонидан кўрсатилган эътиборнинг амалий ифодасидир. Раҳбарнинг тетиклиги ва юқори иш қобилияти бевосита мактабдаги таълим сифатига, ижодий муҳит барқарорлигига ва ёш авлод тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳужжат маданият соҳасида инсон капиталига бўлган эътибор янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бундай ҳайрли ташаббуслар миллий маданият-тимизнинг барқарор ривожланишига ва келажақ ворисларини тарбиялаётган устозларнинг касбий нуфузини оширишга хизмат қилади.

Муҳайё ХОЛБОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раиси

Тарғибот

ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов ҳамда Бахмал туманларида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Вилоятдаги фермер хўжалиқларининг ҳудудий бошланғич касаба уюшмалари раислари иштирок этган ушбу тадбирда аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди. Жумладан, 2017–2026 йилларда санаторийлар сони 17 тадан 32 тага, болалар оромгоҳлари эса 24 тадан 107 тага ошди.



Семинарда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Тўхтамурод Бозоров, кенгашнинг бош меҳнат техник инспектори Шодибек Ҳамроевлар иштирок этиб, ишчи-деҳқонлар учун қулай иш шароитлари яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасидаги камчиликлар ҳусусида сўз юритишди. Бахтсиз ҳодисалар ҳамда меҳнатта норасмий тарзда жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар, ижтимоий ҳимояни таъминлашдаги камчиликлар муҳокама қилиниб, вазиятни ўнглашга оид тақлифлар билдирildi.

Тадбир доирасида иштирокчилар Шароф Рашидов туманидаги «Учтепа» фермер хўжалиги ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолияти билан та-

Акбархон ТУРСУНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси

Устоз бизга «Кафтдаги юрак» очеркининг ёзилиш тарихи ҳақида айтиб берди.

У академик Восит Воҳидов ҳақида ёзмоқчи бўлганида, олим дастлаб қатъий рад жавобини беради: «Мен ҳали ёзишга арзийдиган бирор иш қилганим йўқ». Аммо устоз қуруқ қайтмади. Шифокорнинг шогирди Эркин Исломбековдан маълумот олди, мақолани ёзиб, икки нусха қилиб олиб борди. Профессор: «Яна келдингизми?» деди. «Мақолани кўриб берсангиз», деб илтимоос қилди. Ҳафта ўтгач, олим мақолани ўқиб, маъқуллаганини айтди.

Шу ўринда Миршароф аканинг бир эслатмаси бежиз эмас: «Илмий очеркни ёзиш учун ойнаб тайёргарлик кўрардим. Бунинг учун, аввало, мавзунини чуқур ўрганадирим, маълумотлар тўплардим. Шундан кейингина ёзардим».

Устоз бугунги журналистика ҳақида шундай дейди: – Газеталарни ўқиб бораман. Бугун сўз эркинлиги мавжуд, журналист ҳамма соҳада ёза олади. Аммо негадир очерк жанрида материаллар кам. Айрим мақолалар эса юзаки ёзилади, маъно-мазмунини саёс.

Миршароф ака совет даврида ҳам, мустақилликдан кейин ҳам шу соҳада ишлади. Шунинг учун унинг сўз эркинлиги ҳақидаги фикрлари айниқса қимматли: «Бугун ҳеч қандай тўсик йўқ. Хоҳ фелъетон, хоҳ танқидий мақола бўлсин, бемалол ёза оласиз».

У, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг журналистларга берган баҳоси, бугун соҳада яратилган имкониятларни алоҳида эътироф этди.

– Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунлариданоқ журналистлар билан учрашиб, «Сизлар менинг қанотларимсиз», деган эди. Шунингдек, «Журналист ҳар қандай мансабдор шахс билан бевосита кўришиб, суҳбатлашиб ҳуқуқига эга. Агар кимки уни қабул қилмаса, бундай одам мансабдор бўлиб ишлашга ҳақи йўқ», дея таъкидлаганлари ҳам ёдимда. Бу ишонч, бу фикрлар биз учун жуда қадрли.

Миршароф Муҳсимов фаолияти давомида бир неча китоблар ҳам чоп эттирди. «Авлодлар қиссаси», «Ҳаёт

баҳори», «Алломалар», «Ўзбекистон юлдузлари», «Ўзбекистон кўриқлари» шулар жумласидан. «Ўзбекистон кўриқлари» китобига Шароф Рашидов шахсан сўзбоши ёзиб берганини у фахр билан эслайди. Бу китоб ҳуқумат мукофотига сазовор бўлган.

Журналист ва ёзувчи 1996 йили пенсияга чиқди. Лекин бугун ҳам қалам билан ҳамнафас. Ҳамон мақолалар ёзади, ҳамон телеканаллар, босма нашрларни мунтазам кузатиб боради. «Қўпроқ машҳур олимларимиз, ижодкорларимиз ҳақида очерк ёзишса яхши бўларди», деган таклифни ҳам билдирди. Бирга ишлаган ҳамкасбларини ёдга олар экан, бизнинг давримизда журналистларнинг қаймоғи йиғилганди, уларнинг ёзганлари бошқача эди, дейди.

Оилага муҳаббат ва садоқат устоз ҳаётининг ажралмас қисми. Турмуш ўртоғи Максуда Раҳимбоева эрта вафот этганидан кейин бошқа уйланмади. Фарзандларини ўғай она қўлига топиширишга қўзи қиймади. Катта қизи Назира Алиева пенсияда, кичик қизи Дилфуза Муҳсимова Бектемир туманидаги оилавий поликлиника бош шифокори. Миршароф ака беш нафар набира, саккиз нафар эваранинг бобоси.

Инсон умри саналар билан ўлчанмайди. Чиройли амаллар, эзгу ишлар хотираларда мангу қолади. Миршароф Муҳсимовнинг номи журналистикада «илмий очерк» жанри билан бирга тилга олинади. Фурсатдан фойдаланиб, устоз Миршароф Муҳсимовни тахририят номидан кутлуг ёши билан муборакбод этамиз. Умр бўйи қалам билан нафас олган журналистга ижоддан тўхтамаслиги, ҳаёт йўли янада порлоқ бўлишини тилаб қоламиз...

Гулрухбегим ОДАШБОВА,
Жасурбек СОЛИКОВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

Мушоҳада

ишонч билдириш унинг салоҳиятини очади.

Замонавий психология ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Болага берилган ижобий муносабат унинг руҳий барқарорлигини таъминлайди. Ишончли муҳитда ўсган бола эркин фикрлайди, кўркмасдан ҳаракат қилади ва муваффақиятга интилади. Шунинг учун тарбияда инсон омили, яъни меҳр, ишонч ва қўллаб-қувватлаш устувор бўлиши лозим.

Баъзи ҳолларда катталар болани «тарбиялаш» мақсадида қаттиқ танқид қилишади. Бу билан фарзандини интизомли қилишни истайди. Аммо ортиқча танқид акс таъсир этиши мумкин. Болада кўрқув, ишончсизлик ва ички тўсиқлар пайдо бўлади. Бу унинг ижодий ва интеллектуал ривожланишини чеклайди.

Тарбия фақат қоидаларни ўргатиш эмас, инсонни англаш, ички дунёсига кириш ва уни қўллаб-қувватлаш жараёнидир. Ҳар бир болага алоҳида шахс сифатида қараши керак. Унинг қобилияти, қизиқиши ва ривожланиш суръати бошқалардан фарқ қилиши табиий. Шунинг учун барча болаларни бир мезон билан баҳолаш тўғри эмас.

Шу ўринда «Нима учун баъзи болалар ўз салоҳиятини оча олмайди?», деган савол туғилади. Бунинг асосий сабабларидан бири ишончсиз муҳитдир. Агар бола доимий равишда камситилса, унинг ички имкониятлари ёппқ қолади. У ўзини намоён қилишдан қўрқа бошлайди. Оқибатда орзуларидан воз кечади.


Шундай экан, ҳар бир ота-она ва устоз ўз сўзининг кучини англаши лозим. Бир оғиз ижобий фикр бола ҳаётини ўзгартириши мумкин. «Сен уддалайсан!» деган ишонч унинг қалбида умид уйғотади, уни ҳаракатга ундайди.

Инсон ҳаётидаги ютуқлар кўпинча ишонч билан боғлиқ. Агар инсонга ишонишса, ўз имкониятларини намоён қилади. Акси бўлса, ўзини чеклаб қўяди. Шунинг учун тарбияда ишонч асосий мезон бўлиши керак.

Уларга «уддалай олмайсан дейиш» фақат хато эмас, балки инсон тақдирига асосий таъсир кўрсатувчи омилдир. Ҳар бир болада яширин истеъдод ва имконият бор. Уни очиш эса катталарнинг вазифаси. Агар биз фарзандларимизга ишонсак, уни қўллаб-қувватласак, у албатта, ўз йўлини топади.

Зеро, ишонч инсонни буюкликка етакловчи энг кучли омилдир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



ЭЛДА КЎП ОАЗИЛАТЛАРГА ЭГА
КИШИЛАРНИ «МАНГЛАЙИ
ЯРҚИРАГАН, БУТУН ОДАМ»
ДЕЙИШ ОДАТИ БОР. АБДУСАИД
КЎЧИМ ДЕГАН ЖУРНАЛИСТ,
ШОИР, ЁЗУВЧИ, АРБОБИ
ЎШАНДАЙ МАНГЛАЙИ ЯРҚИ-
РАГАН ОДАМЛАРДАН, ДЕБ
БИЛАМАН. БУНДАЙ ОДАМ-
ЛАР ҲАР ЖИҲАТДАН БУЎҚ,
ЁҚИМИ ВА ОМАДЁР БЎЛИ-
ШАДИ. БАРЧАДА БЎЛМАСА
ҲАМ КЎПЧИЛИҚДА ҲУРМАТ
УЙҒОТИШАДИ.

Шундай одам билан бир замон ва бир маконда яшаб туриб анча кеч танишдим. Аслида-ку, бевосита танишмасимдан олдин Абдусайд Кўчимни мутлақо билмасдим, деб бўлмайди. У болалар шоири ва амалдор журналист эканидан хабарим бор эди. Баъзан йиғинларда, телевизорда кўрган, гоҳида радио орқали чиқишларини эшитган ҳам эдим. Биттанларини ҳам онда-сонда ўқирдим, лекин ўзимча уни фақат болалар ёзувчиси, деб белгилаб олганим учунми, ўқиганларимнинг бадиий жиҳатларига унчалик жиддий эътибор қилмасдим. Маълум даражада билганим Абдусайд Кўчим билан шахсан танишиш анча кеч юз берди. Қизиг-а, аслида билиш чуқурроқ жараён сифатида танишдан кейин содир бўлиши керак. Аммо ҳаётда билиш жараёни бировни чинакамига ва яқиндан таниш ҳолатига туртки бўлиши ҳам мумкин экан.

Шўронинг тарбиясини кўрган кўпчилик одамга теккан бир касал бор: эл назарига тушган, катта майдонларга эртароқ чиққан, омадёрроқ одамга сал гайирлик биланми, шу одам эгаллаган мансаб-мавқеига лойиқми ўзи, деганга ўхшаш иддоо биланми ёки ҳеч қандай сабабсиз кин биланми қаралади. Мартабаси баландроқ бўлса-ку, урди Худо. Ундан, албатта, иллат изланади. Бунга бир қадар ҳақи ҳам бордай. Негаки, ўзбек амалдорларига лавозим билан бирга, юқори ташкилотлар томонидан ақл ҳам қўшиб берилади, шекилли, катта-кичиклигидан қатъи назар, оти амалдор борки, ҳамма нарсани билгич, тирикликнинг барча тармоқлари бўйича барчага маслаҳат бергич, йўл кўрсаткич бўлиб қолади. Кейин оддий одамлар билан тенгдай, мулоим бўлиб сўзлашиш бизнинг амалдорларга иснод ҳам ҳисобланади, чамаси, доим тепадан келиб муомала қилишга уринишади.

ХУЛАС, АБДУСАИД КЎЧИМ БИЛАН ЯҚИНРОҚ ТАНИШГАНИМИЗГА ҚАДАР МАШҲУР ШОИР, ЎХШАШИ ЙЎҚ ДЎСТИМ АЗИМ СУЮН У ҲАҚДА БИРОР ЎН ЙИЛЧА ГАПИРИБ ЮРДИ: «Э, СИЗ КЎПАМ ИНЖИҚЛИК ҚИЛАВЕРМАЙ, У ЙИГИТ БИЛАН БИР ЯҚИНЛАШИНГ. ЖЎРА БЎЛИБ КЕТМАСАНГИЗ, МЕНИ АЙТДИ ДЕЙСИЗ. ЎЗИ ОЛТИН ЙИГИТ. ЁЗ-ГАНЛАРИ ҲАМ ЖУДА ЗҮР-ДА. СИЗЛАРНИ ЎЗИМ БИР ТАНИШТИРИБ ҚЎЯМАН».

Азим ака йши, ташвиши, юришлари кўп-лиги, менинг эса бир қадар одамовилиғим сабаб мени ўзи кўп мақтаган зот билан шахсан

таништиришга улгурмади. Аммо 2004 йилнинг кеч кузида Абдусайд Кўчимнинг «**Адабиётимиз фидойиси проф. Қозоқбой Йўлдошевга чуқур ҳурмат билан. 25. XI. 2004**» тарзида ҳеч қандай муносабатни англатмайдиган сўзлар битилган «**Баланд тоғлар**» деб аталмиш китобини келтириб бериб: «**Китобни ўқиб кўринг, сиз айтган дарсликка муносиб ёзувчи ким эканини билиб оласиз**», деди. Ўша пайтда Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун ёзиладиган дарсликларга материал излаб юрардим. Азим Суюн шу дарсликка Абдусайд Кўчим асарлари жуда боп келишини кўпдан бери айтарди.

Шу куни вақтим бор экан, шекилли, китобни шунчаки, ҳафсаласиз varaқлай бошладим. Кўзим беихтиёр охирроқдаги «Бойчечак» деган ҳикояга тушиб қолди. У шундай бошланганди:

«ОНА-БОЛА МОЛХОНА ДЕВОРИГА
ТАШПИ ЁПИШАДИ: БОЛАКАЙ ЭСКИ
ЧЕЛАҚДА ЎТИНХОНАДАН КЎМИР КУКУ-
НИНИ ТАШИР, ЕНГИНИ ТИРСАГИГАЧА
ПИМАРИБ ОЛГАН ОНАСИ ТАШПИНИ
КЎМИР УВОҚЛАРИГА БЎЛАБ, ДУМА-
ЛОҚЛАРДИ-ДА, СЎНГ ДЕВОРГА УРАРДИ.
БОЛАКАЙ БИРОВГА ЗАРДА ҚИЛГАН-
ДЕК, ПАЧОҚ ЧЕЛАКНИ ДАМ-БАДАМ
ДАСТ КЎТАРИБ ЕРГА ТЎНКАРАР, БОТИН-
КАСИНИНГ БИР ЁНИ ЕЙИЛГАН ПОШ-
НАСИ БИЛАН УСТМА-УСТ ТЕПКИЛАР
ЭДИ. ОНАСИ ШУНДА ҲАМ ПИНАГИНИ
БУЗМАСДИ. ИЛОНТЕПАДА ҚИЗГИН
«ЖАНГ» КЕТАЁТГАН ШУНДАЙ ПАЛ-
ЛАДА ШАЛАБВО БЎЛИБ КЎМИР ТАШП-
ЁТГАН БОЛАКАЙ АЛАМИДАН БЎҒИЛИВ
ЙИГЛАГИСИ КЕЛАРДИ».

Ғариб болагимни ёдга туширган дилбар ҳикояни қандай ўқиб чиқганимни билмай қолдим. Асар гўё мен тўғримида битилгандай таъсир қилди. Мутахассис сифатида бадиий асарнинг ҳаётга ўхшашини нуқсон, деб билладиган одам ҳам турмушга ўхшаган, ҳам бадиий жиҳатдан гўзал асар ёзиш мумкинлигига ўша куни иқдор бўлдим.

Кейин ютоқиб, «Қочоқ» деган ҳикояни ўқिशга тутиндим. Сўнг бошқаларига ўтдим. Ундан кейин китобнинг бошига қайтиб, тун бўйи қиссаларни ўқиб қикдим. Ўқиганларим мени танг қолдирди. Умуман, одам, айниқса, болаларнинг кўнглини бу қадар теран туядиган ва туйганларини бунчалар таъсирили ифодаладиган ёзувчини беихтиёр яхши кўриб қолдим. Бизнинг болалар учун асар битадиган

аксар ёзувчиларимиз кўпроқ болакайларга насихат қилиш, ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш керак, деб билишади. Ёши, таърибаси, танаси кичик болакайларнинг жуда кескин ва саноксиз зиддиятларга тўла катта дунёси борлигини кўп ўйлашмайди. Қиссалардаги меҳрибон одамдан бераҳмга, сўнгроқ шаллақи ва ёвузга айланишга мажбур қилинган одамлар руҳиятининг тасвирлари ҳам этни жузжиктирар даражада таъсирли ва чин эди. Мен Азим Суюннинг билгичлиги ва бағри кенглигидан ичимда миннатдор бўлиб, «Бойчечак» ҳикоясини дарслик учун танлаб олдим.

Шу-шу менда Абдусайд Кўчим билан қўришиш, асарлари тўғрисида фикрлашиш иштиёқи уйғонди. Аммо у ўша пайтлар катта жойда ишларди, мамлакат миқёсидаги улкан юмушлар билан банд эди. Шу боис асари тўғрисида сўзлашиш учун бўлса ҳам унинг вақтини олишга тортингандим. Кейин, менинг бу бегараз истагим нотўғри тушунилишидан ҳам кўрққандим. Шу тариқа ўзим ёқтирган ёзувчи билан яна бир йилча танишолмай юрдим. 2005 йилнинг ўрталаридагина профессор ва ёзувчи Пирмат Шермухаммедовнинг бир китоби тақдироти сабаб ниҳоят у киши билан илк бор сўзлашишга муяссар бўлдим.

Кейинчалик анча яқинлашиб, ҳатто, бир қадар қалинлашиб кетгач билдимки, Абдусайд Кўчим деганлари шунчаки катта мансабдор, омадёр йигитгина эмас, балки қувноқ суҳбатдош, қўли очик ўлафат, яхши сафардош, топиб сўзлайдиган нотик, энг муҳими, ўзи, яқинлари, умуман, одам ва оламнинг моҳияти тўғрисида тинимсиз ўйлайдиган, ўйларини шеър, эссе, ҳикоя, қисса, мақола шаклида таъсирли ифодаладиган ижодкор экан.

Вақт ўтган сари Абдусайд Кўчимда шахс сифатида ҳам мақтагулик фазилатлар кўп эканига таниг бўлдим. Қаерда бўлса-да бирга ишлаганларнинг мутлақ кўпчилиги у кишини одамжон, мулоим, камтар, олижаноб раҳбар сифатида эслашади. Катта-кичик ҳамма билан бирдай саломлашиш, қўли остида ишлайдиган ўзидан кичикларга ҳам: «Ака», деб мурожаат қилиши, ҳеч қачон ҳеч кимга овозини кўтариб гапирмаганини миннатдор бўлиб айтиб юришади. Албатта, уни ёмон кўради-ганлар ҳам йўқ эмасдир. Лекин, ўйлашимча, дунёда ҳамма яхши кўрадиган одамдан хавфлироқ одам бўлмаса керак. Шундайки Абдусайд Кўчимдан катта марҳамат кўрганлар, вақти келиб, унинг қаттол ёвларига айланган хоталар ҳам бўлган экан.

Бутун саксоннинг йўлига чиқиб бораётган, кўринишидан бўштоброқ, қачонлардир жин-

галакка мойил бўлган сочлари қордай оқарган, бўйчан ва тик қоматли Абдусайд Кўчим соғлиғидан бот-бот шикоят қилиши, кўпинча томоғи оғриб, овози шикаста бўлиб юришига қарамай, жуда қорувли йигит. Бунга бир сузиш ҳавзасидаги чўмилиш давомида ўзим гувоҳ бўлганман.

Мен Сирдарёнинг бўйида ўсган одам ўзгир сувчи бўлмасам-да, ҳавзага тушишдан олдин, ҳар қалай, Абдусайд Кўчимдай тиззадан баланд сув кўрмаган тоғ йигитидан яхшироқ сузсам керак, деб ўйлагандим. Фақат чўмилишнинг илк дақиқасидаёқ ўйларим асоссиз эканига имон келтирдим. Олтмиш қўлоччалик ҳовузнинг у боши билан бу бошига икки бориб келмаёқ менинг суробим тўғри бўлди. Абдусайд оға эса, ҳавзани бирор йигирма беш маргалар тўхтамай ўлчаб чиқди-ёв. Тоғларга чиққанимизда ҳам ҳеч бир тоғ йигитидан кам юргич эмаслигини кўрганман.

Мен кузатган яна бир жиҳат: Абдусайд Кўчим жуда дид билан, танлаб ва билиб кийинади. Тўғри, ҳаёт яхшилангани сари орамизда яхши кийинадиган одамлар кўпайиб борапти. Шундай бўлиши табиий ҳам. Аммо Абдусайд Кўчим қимматдан ҳам кўра ярашиқли, мавсумбоп кийинишни хуш кўради ва бу борада жуда билгичлиги билан кўпинча кийимга бепарвороқ келадиган кўпчилик ойдинлардан ажралиб туради. Кўпларнинг устидаги янги ёки яхши кийим кўзга ташланиб турса, Абдусайд Кўчим шундай кийинадики, кийим эмас, унинг ичидаги ўзи кўзга ярқ этиб ташланиб туради.

Менинг бир неча катта йиғинларда кузатганим: Абдусайд Кўчим ўзининг машхурлигидан, катта ва таниқли амалдорлигидан салгина малолланиб юрадиганга ўхшайди. Шундай улкан издиҳомларда ҳамма танийдиган лавозимдорлардан кўра ё ижодкорларнинг, ёхуд оддий танишларнинг даврасига интилганини кузатганман.

Тириклик кўрсатадики, ҳар бир одам – ўзининг яхшилиги-ю ёмонлиги, ҳаёда эришган ютуғи-ю, йўл қўйган нуқсонига аслида ўзи сабабчи. Шу қарашдан келиб чиқиладиган бўлса, ҳар қандай одам ўзи ва ўз тақдирини ўзи яратади. Афсуски, одам ўзи билан мунтазам шуғулланишга ҳамиша ҳам ҳафсала қилавермайди. Мен Абдусайд Кўчимни яқинроқдан билганим сари унинг ўзи билан жиддий шуғулланадиган, ўзига ўта талабчан ва ўзини қаттиқ тергайдиган одам эканига имон келтирман. У менга ўзининг хатти-ҳаракатларидан тортиб айтадиган сўзи, босадиган қадами, қиладиган имо-ишорасига қадар назорат қила биладиган, қай ўрнида нимани қилиш мумкинун нимани қилмаслик кераклигини бехато белгилай оладиган одам бўлиб туюлади.

Одатда, ижодкор аҳли кайфиятнинг етотвида юради. Шу боис улар мувозанатдан тез чиқиб кетиши бор гап. Абдусайд Кўчимни эса атай ҳам мувозанатдан чиқариб бўлмас, деб ўйлайман. Ғоят таъби нозик ва таъсирчан бўлишига қарамай, у ҳеч қачон кайфияти таъсирга тушиб, унинг етотвида юрмайди, балки кайфиятини иродасига бўйсундира олади. Шу боис ўрнида жим туришни, кўзга ташланмаслики, олдинга интилавермасликини билади, кези келганда эса, пайсалга солмай, кескин қарорлар қабул қила олади ҳам.

ЯНА БИР ЖИҲАТИ – АБДУСАИД ОҒА ОДАМНИ ЖУДА ТЕЗ АЖРАТАДИ. УНГА БИРОВНИ БИЛИШ УЧУН У БИЛАН ЖУДА УЗОҚ ВАҚТ ОШ-КАТИК БЎЛИШ ШАРТ ЭМАСДАЙ ТУЮЛАДИ МЕНГА. ЧУНКИ АБДУСАИД КЎЧИМ ОДАМНИНГ ҲАДДАН ТАШҚАРИ ЎЗГАРУВЧАН, БЕҚАРОР ЯРАТИҚ ЭКАНИНИ, АЙНИ ВАҚТДА

Жуллас, Абдусайд Кўчимнинг туйғу ва тафаккур ёғдусидан нулланган асарлари кенг ўқирманлар оммасининг меҳрини қозонишига ишонаман. Ёши мендан кичик, аммо қилган ишлари солиштириб бўлмас даражада улуг ижодкор оғам Абдусайд Кўчимга ижодий зафарлар, кўнгил бутунлиги, ҳаёт мазмундорлиги ҳамиша ёр бўлсин! Саксонбойлар сафига эндигина қўшилмоқчи бўлаётган ижодкор оғамга кўнглидаги саид туйғуларнинг қозоғга кўчими борасида доимий энгишлар тилайман!

Қозоқбой Йўлдош,

Тошкент амалий фанлар университетини профессори

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Азамат Отажонов ва
Очилбек Матжонов ижросида

«ДИЙРАЛИШМА»
СУВОРА «ДАСТИНГДАН»

На гурбатларни чекдим, чархи бевунёд бўлмадим бунёд дастингдан,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдан,
Мудом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдан,
Ҳама обод ўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки мен ҳар қайга борсам дод этарман дод дастингдан.

Майнинг муҳаббатим



Эълон
Гиясов Зайнитдин Бабаханович номига 26.07.2004 йилда берилган 17-05/342 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Agentbuot
va axborot matbuot
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OSIBNIZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:

G'ulomjon MIRAHMEDOV,
Gulrubbegim ODASHBOYEVA

Musahhirlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Boshisha topshirish vaqti – 23:20
Topshtirildi – 23:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 228 ta

Shundan: 6 556 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. Buyurtma: G-511

1 2 3 4 5 6